ФУТБОЛЧИ АЁЛЛАРНИ МУСОБАҚА ФАОЛИЯТИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

С. Н. Пулатов
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада юқори малакали футболичи қизларнинг мусобақа шароитидаги техник-тактик ҳаракатларнинг таҳлили кўрсатилган. Бу маълумотлар асосида футболчи қизларнинг техник тайёргарлик даражасини баҳолаш имкони туғилади.

Калит сўзлар: спорт, футбол, мусобақа, таълим, педагогика.

ANALYZING COMPETITION ACTIVITY OF FEMALE FOOTBALL PLAYERS

S. N. Pulatov
Uzbekistan State University of Physical Education and Sports

ABSTRACT

This article is written about analyses of technical moving of girl football players in competition. There will be a chance of marking technical preparation of the girl football players.

Keywords: sports, football, competitions, education, pedagogy.

КИРИШ

Замонавий футболда фақат тезкор суръатда ижро этиладиган техник-тактик маҳорат эвазига ғалабага эришиши мумкинлигини бўйича кўп бора мутахассислар томонидан таъкидланган (1,2,3).

Биз томонимиздан футболчи қизлар томонидан мусобақа фаолиятини ўрганишда йўл қўйиладиган камчиликлар кўп бор гапирилиб ўтилган. Бу камчиликларни бартараф этишда футболчи қизларнинг техник-тактик тайёргарлигига тўғри ёндошган ҳолда ошириш керак бўлмоқда. Бу бўйича илмий ишлар кўпчилик мутахассис (2,3,4) томонидан қизиқиш уйғатиб ўзига жалб қилиб келади. Бу муаллифлар фикрига биноан, техник-тактик ҳаракатларни шакллантириш масалалари турлича ҳар томонлама ўрганган ҳолда ёндошувлар асосида ҳал қилишини таъкидлашган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Футбол мутахассис ва мураббийларнинг фикрларича, футболчи қизларни кучли рақиблар билан бахсдаги мағлубиятнинг сабаби, бу техник-тактик ҳаракатларни бажаришда самарадорлик кўрсаткичи пастлигини таъкидлашаяпти. Шуни ҳисобга олганда мураббийларимиз бу камчиликларни бартараф этиш учун анчагина ишлашларига тўғри келади.

Ўзбекистон миллий чемпионатининг иштирок этиб келаётган олий тоифа аёллар футбол жамоалари тадқиқот объекти сифатида жалб қилинди, уларда техник-тактик ҳаракатлар тадқиқот предмети сифатида танлаб олинди.

Бизнинг тадқиқот ишларимиз 2019-2020 йил футбол бўйича Ўзбекистон миллий чемпионатининг олий лига қизлар футбол жамоалари устида олиб борилди. Тадқиқотларимизда мамлакатимизнинг етакчи ва ўз фаолиятини янги бошлаган “Андижанка”, «Металлург-W» “Бунёдкор-W” жамоа футболчи қизларнинг 6та ўйин давомидаги ўртача жамоавий техник – тактик ҳаракатлари ўрганилди. Жамоа футболчи қизларини техник–тактик ҳаракатларини назорат қилинди. Биз ўрганишда Ю.А.Морозов усуллари ва кўрсатмаларидан фойдаланилди.

Ўзбекистон чемпионат давомида ўйинларни олиб боришда “Металлург-W” жамоаси футболчи қизлари бир ўйинда ўртача (Х) 508 (СК%-65) маротаба, “Андижанка” 469 (СК%-51) маротаба ва “Бунёдкор-W” жамоа футболчи қизлари 564 маротаба техник-тактик ҳаракатларни (ТТҲ) бажаришган.

Жамоа ўйинлардаги натижалардан биз “Металлург-W” футболчи қизлари ўйин мобайнида ўртача 62 (97%) маротаба орқага, 104 (86%) маротаба ёнга, 143 (52%) маротаба олдинга ва олдинга ҳаракатланаётган ўйинчига 11 (18%) тўп узатишларни амалга оширишган. Тўп узатишдаги самарадорлик кўрсаткичларда олидинга ва ҳаракатланаётган ўйинчига етказиб бериш ҳаракатларида камлигини аниқладик. Тўпни рақибдан олиб қўйишда 74 та, СК% – 53%, рақибни алдаб ўтиш – 41 та, СК% –49%, ҳавода тўп учун кураш 31 та СК%-32%, тўпни бош билан ўйнаш – 4 та СК%-25%, тўпни рақиб дарвозаси томон зарба бериш – 9 та, СК%-56% ни ташкил этган.

“Андижанка” жамоаси футболчи қизлари бир ўйинда ўртача 469 маротаба техник – тактик ҳаракатларни бажаришган. Бунда тўпни узатишда 62 (97%) маротаба орқага, 104 (86%) маротаба ёнга, 143 (52%) маротаба олдинга ва олдинга ҳаракатланаётган ўйинчига 11 (18%) тўп узатишларни амалга оширишган. Қолган техник ҳаракатларда яна, тўпни олиб юриш –22 та, СК%–100%, тўпни рақибдан олиб қўйиш – 65 та, СК% – 42%, рақибни алдаб ўтишда

41 та, СК% – 37%: тўпни бош билан ўйнаш-3 та, СК%-33%, дарвозага зарба йўллаш – 16 та СК% –44% ташкил этган.

Биз “Металлург-W” жамоа футболчи қизлари ўйин мобайнида ўртача 71 (96%) маротаба орқага, 149 (83%) маротаба ёнга, 110 (77%) маротаба олдинга ва олдинга ҳаракатланаётган ўйинчига 11 (27%) тўп узатишларни амалга оширишган. Тўп узатишда ҳам “Металлург-W” жамоа футболчи қизлар сингари самарадорлик кўрсаткичиларида, яъни олдинга ва ҳаракатланаётган ўйинчига етказиб бериш ҳаракатларида камлигини аниқладик. Тўпни рақибдан олиб қўйишда 54 та, СК% – 46%, рақибни алдаб ўтиш – 52 та, СК% –33%, ҳавода тўп учун кураш 31 та СК%-39%, тўпни бош билан ўйнаш – 3 та СК%-33%, тўпни рақиб дарвозаси томон зарба бериш – 14та, СК%-56% ни ташкил этган.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўйин давомида олинган педагогик кузатишлардан биз олий тоифа футбол жамоалар орасидаги натижаларни бир хил эмаслиги аниқланди. Бунда тўпларни бир бирларига етказиб бериш ҳаракатларида аниқ кўришимиз мумкин. “Бунёдкор-W” жамоасининг футболчи қизлари ўйин давомидаги натижаларида, улар тўпларни ёнга ва орқага амалга оширишлари аниқлаган бўлсак, “Андижанка” ва “Металлург-W” жамоа футболчилари тўпларни оширишларида асосий ҳаракатлари олдинган етказиб бериш билан олиб боришлари келтирилган натижалардан кўрамиз.

Ўйин давомидаги рақибни алдаб ўтиш, рақибдан тўпни олиб қўйиш, иккинчи қаватда бош билан курашиш, тўпни рақибдан олдин илиб олиш, тўпни олиб юриш техник ҳаракатларда рақибларнинг натижаларида катта фарқ йўқлигини кўрмоқдамиз. Аммо, жамоа футболчиларнинг ўйин давомидаги дарозага бош ва оёқда бериладиган зарбаларда фарқ кўзга ташланмоқда. Жамоа қизлари ўйин давомида бош билан бериладиган зарбалар сони ва самарадорлигида катта камчиликлар борлиги уларни ўқув-машғулот жараёнига бу техник ҳаракатларга эътибор бериш кераклигидан далолат беради.

Биз томонимиздан, бу жамоаларнинг бир-бирлари билан бўлган ўйинлардаги техник-тактик ҳаракатларни батафсиз ўрганишга ҳаракат қилдик. Биринчи кузатувимиздаги баҳсда “Металлург” ва “Андижанка” ўртасида ўйинларда техник-тактик ҳаракатлар сезиларлини даражада пастигини кўринмоқда. Бунда “Металлург-W” жами 426 (СК%-55) мартоаба техник-тактик ҳаракатларни намойиш этган бўлсак, унга рақиблик қилган “Андижанка” жами 338 (СК%-50) маротаба техник-тактик ҳаракатларни амалга оширган. Самарадорлик кўрсаткичлари ҳам бир-бирларидан тескари эканлигини кўришимиз мумкин.

Бизнинг эътиборимиз уларнинг ўйин давомидаги энг кўп техник ҳаракатлар санасига кирадиган тўпларни бир-бирларига етказиб бериш ҳаракатларига қаратилган. Мана шу техник ҳаракатлар бошқа техник ҳаракатлардан икки баравар кўп амалга оширилиши аниқланган. Ҳатоликлар ҳам мана шу техник ҳаракатларда кўп учрашини кўрмоқдамиз. Яъни, “Металлург-W” жамоа футболчи қизлари ўйин мобайнида 27 (81%) маротаба орқага, 52 (60%) маротаба ёнга, 137 (42%) маротаба олдинга ва олдинга ҳаракатланаётган ўйинчига 9 (33%) тўп узатишларни амалга оширишган. “Андижанка” эса, 13 (92%) маротаба орқага, 33 (42%) маротаба ёнга, 109 (26%) маротаба олдинга ва олдинга ҳаракатланаётган ўйинчига 12 (42%) тўп узатишларни амалга оширишган.

Бу ердаги тўпларни бир-бирларига етказиб бериш ҳаракатларида “Металлург-W” жамоа футболчиларнинг натижалари юқори кўринсада, камчилиликлари борлигини кўрмоқдамиз. “Андижанка” жамоа қизларининг олдинга ҳаракатланаётган ўйинчининг олдиган тўпларни етказиб бериш ҳаракатлари, рақибларининг кўрсатган натижаларидан юқорилиги таъкидлаймиз. Аммо, бу техник ҳаракат икки жамоа футболчи қизларининг ўйинлар давомидаги энг кам тўп узатиш ҳаракатларига киради.

Қолган техник ҳаракатларда ҳам, яъни тўпни рақибдан олиб қўйишда, рақибни алдаб ўтиш, ҳавода тўп учун кураш, тўпни бош билан ўйнаш, тўпни рақиб дарвозаси томон зарба бериш вабошқа техник ҳаракатларда ҳам кўрсаткичлар бир-бирларига яқин эмаслигини кўрмоқдамиз.

“Бунёдкор-W” жамоаси билан “Металлург-W” жамоаси ўртасидаг ўйин давомидаги кузатишлармизда, биз “Бунёдкор” жамоа футболчи қизларнинг техник-тактик ҳаракатларини сони ва самарадорлиги рақиб жамоа қизларининг натижаларидан анча устун эканлигини кўрамиз. Улар ўйин давомида 559 маротаба техник-тактик ҳаракатларни амалга ошириган бўлсалар, самарадорлик кўрсаткичи 73% тенг. Рақиб футболчи қизлари, яъни “Металлург-W” жамоаси ўйин давомида 532 маротаба техник-тактик ҳаракатларни амалга оширган бўлсалар, самарадорлик кўрсаткичи 67% тенг.

Бу ерда ҳам жамоаларнинг ўйин давомидаги тўпларни ўйинчиларга етказиб бериш ҳаракатлари яққол кўзга ташланиб қолмоқда. Натижаларга эътибор берсак, “Металлург-W” жамоа футболчи қизлари ўйин мобайнида 60 (97%) маротаба орқага, 111 (86%) маротаба ёнга, 147 (59%) маротаба олдинга ва олдинга ҳаракатланаётган ўйинчига 22 (55%) тўп узатишларни амалга оширишган. “Бунёдкор” эса, 57 (100%) маротаба орқага, 150 (87%) маротаба ёнга, 145 (67%) маротаба олдинга ва олдинга ҳаракатланаётган ўйинчига 21 (38%) тўп узатишларни амалга оширишган.

ХУЛОСА

Олинган натижаларда биз, Олий тоифа футболчи қизлар томонидан бажариладиган техник-тактик ҳаракатларни бажаришда камчиликлар борлигини аниқладик. Бу камчиликлар айниқса, тўпларни бир-бирларига етказиб беришда яққол кўзга ташланади.

REFERENCES

1. Давлетмуратов, С. Р. (2020). Тренировочные нагрузки хоккеистов в подготовительном периоде. *Фан-спортга*, (4), 33-34.
2. Давлетмуратов, С. Р. (2020). Физическая работоспособность в годичном цикле подготовительного периода подготовки квалифицированных футболистов. *Фан-спортга*, (3), 10-13.
3. Турсунов, Н. Б. (2017). Деятельность Узбекского государственного института физической культуры в рамках проекта европейского союза ModeHEd Erasmus. *Молодой учёный*, *1*, 276.
4. Ражабов, Г. К. (2020). Повышение результативности и надежности соревновательной деятельности квалифицированных боксёров. *Теория и практика физической культуры*, (7).
5. Ражабов, Г. К., Каландаров, Д. Ш., & Каримов, Ш. К. (2016). Влияние изменений правил соревнований и судейства в боксе на тренировочный и соревновательный процесс. *Молодой ученый*, (21), 974-976.
6. Orif, R., Komil, U., Bakhtiyor, K., Raupov, O. K., Sam, D. U., SU, U. K. Z. V., & Khaydarov, B. T. (2018). Dynamics of general and special physical training of experienced female boxers. *European science review*, (7-8).
7. Серебряков, Ю. В., & Исраилова, Ш. (2018). Совершенствование технической подготовки квалифицированных боксеров. *Молодой учёный*, *46*(232), 415-417.
8. Azizova, M. M., & Gapparova, A. N. (2021). Communicative language teaching. *Academic Research in Educational Sciences*, *2*.
9. Egamnazarova, F. A., & Mukhamedova, M. S. (2021). Improving english language listening skill. *Academic Research in Educational Sciences*, *2*.
10. Рустамов, Д. У., & Кенжаева, С. Х. (2021). Значение ролевых игр в формировании коммуникативных компетенций студентов изучающих иностранный язык. *Academic Research in Educational Sciences*, *2*.
11. Ли, Т. Г., & Ходжиев, Р. М. (2021). Толкование терминов узбекской национальной борьбы «кураш». *Academic Research in Educational Sciences*, *2*.
12. Tursunboyeva, L. T., & Ashirova, M. F. (2021). Positive teacher- student relations. *Academic Research in Educational Sciences*, *2*.

13. Йулдошев М.Р**.,** Шаймарданов Д.Б., Яркулов F.M. Қизлар ўртасида ўтказилган халқаро футбол турнирида иштирок этган жамоаларнинг ўйин кўрсаткичлари таҳлили/ XXX Ёзги олимпия ва XIV параолимпия ўйинларига спортчиларни тайёрлаш муаммолари/ Республика илмий-амалий анжумани.-Т. 2012.-Б 89-91.

14. Талипджанов А.И. Юқори малакали футболчилар тайёрлашнинг замонавий тизими. Ўқув қўлланма. Т., ЎзДЖТИ. 2012 й.164 б.

15. Хайдарова Р.М, Ярашев К.Д Жисмоний тарбия ва спорт фаолиятида хотин қизлардан мутахассис кадрлар тайёрлаш масалалари хусусида/ Соғлом бола йили бағишланган талаба ва магистрларнинг илмий амалий анжумани-Т. 2014.-Б 32-34

16. Худойназаров С.Ш, Абидов Ш.У Аёлларнинг спорт билан шуғулланиши оила саломатлигини асосидир/ Соғлом бола йили бағишланган талаба ва магистрларнинг илмий амалий анжумани-Т, 2014-Б 45-46

17. Шукурова Ш.Т Футболчи аёлларнинг техник-тактик ҳаракатларини таҳлил қилиш./ Юқори малакали спортчиларни мусобақаларга тайёрлашда инновацион технологиялардан фойдаланиш масалари/ Республика илмий-амалий анжумани.-Т. 2014.-Б 125-126.

18. Юсупов Н.М. Оцена скоростно-силовой и технической подготовки футболситок// Москва.- Педагогические науки.- №5.-2011.- С. 141-143.

19. Юсупов Н.М. Исследование количественных и качественных показателей технико-тактических действий футболисток высокой квалификации/ IV WORLD GREEN FESTIVAL ON TRADITIONAL WRESTLIBG SPORTS/ TRADITIONAL SPORTS AND GAMES AT THE GLANCE IN MODERN SOCIETY 22-24 OCTOBER.-T. 2009.-C. 344.